Росулуллоҳнинг овқат олдидан таҳоратлари, таомдан аввал ва кейин айтадиган дуолари ҳамда қадаҳлари баёни ҳақидаги боблар.

باب ما جاء في صفة وضوء رسول الله عند الطعام و قوله قبل الطعام وبعد ما يفرغ منه و ما جاء في قدحه صلى الله عليه وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking – الإوزبكي]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

Таржимон: **Абдуллоҳ Шариф**

Нашрга тайёрловчи: **Шамсиддин Дарғомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

باب ما جاء في صفة وضوء رسول الله عند الطعام و قوله قبل الطعام وبعد ما يفرغ منه و ما جاء في قدحه صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله والصلاة والسلام على رسول الله وعلى اله صحبه ومن والاه أما بعد

(27) باب ما جاء في صفة وضوء رسول الله عند الطعام وفيه3 أحاديث

Пайғамбар алайҳи саломнинг овқат олдидан таҳоратлари баёни. Бу бобда учта ҳадис ривоят қиладилар.

185 - حدثنا أحمد بن منيع ثنا إسماعيل بن إبراهيم عن أيوب عن ابن أبي مليكة عن ابن عباس رضي الله عنهما أن رسول الله خرج من الخلاء فقرب إليه الطعام فقالوا ألا نأتيك بوضوء قال إنما أمرت بالوضوء إذا قمت إلى الصلاة

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадилар: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам халодан чиқдилар, у зотга таом келтирилди, сўнг у кишига таҳоратга сув келтирайликми? - дейишди, у зот айтдиларки: Мен намоз ўқимоқчи бўлсам таҳорат қилишга буюрилганман.

Изоҳ: *Яъни киши ҳар қачон қазои-ҳожатга борса унга таҳорат қилиш вожиб бўлавермайди. Балки намоз ўқимоқчи бўлса, ёки қуръон тиловат қилмоқчи бўлса ва шунга ўхшаган ишлар қилмоқчи бўлганда, таҳорат қилиши лозим бўлади.*

186 - حدثنا سعيد بن عبد الرحمن المخزومي ثنا سفيان بن عيينة عن عمرو بن دينار عن سعيد بن الحويرث عن ابن عباس رضي الله عنهما قال خرج رسول الله من الغائط فأتي بطعام فقيل له ألا تتوضأ فقال أأصلي فأتوضأ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожатдан чиқдилар, у зотга таом келтирилди, кейин у кишига таҳорат қилмайсизми?- дейилди. У зот намоз ўқирмидим? таҳорат қиламан. - дедилар.

Изоҳ: *Бу икки ҳадисни уламолар иснодлари саҳиҳ. - дейдилар. Бобда таҳоратларининг сифати деб ўтилди, бу ҳадислардан баён бўлишича таҳоратдан мақсад шаръий таҳорат эмас, балки луғавий маъно кўзда тутилиб, у қўлни ювишдир.*

187 – حدثنا يحيى بن موسى ثنا عبدالله بن نمير ثنا قيس بن الربيع (ح) ثنا قتيبة ثنا عبد الكريم الجرجاني عن قيس بن الربيع عن أبي هاشم عن زاذان عن سلمان قال قرأت في التوراة أن بركة الطعام الوضوء بعده فذكرت ذلك للنبي وأخبرته بما قرأت في التوراة فقال رسول الله بركة الطعام الوضوء قبله والوضوء بعده.

Салмон розияллоҳу анҳу ривоят қилинади, у зот айтадилар: Тавротда овқатнинг баракаси овқатдан кейин қўлни ювишда, деб ўқиган эдим, шуни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга айтсам. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам овқатнинг баракаси овқатдан олдин ҳам, кейин ҳам қўлни ювишдадир - дедилар.

Изоҳ: *Ҳадисда таҳорат қилиш деган лафз ишлатилган. Мулла Али қори у таҳоратдан мақсад қўлни ювиш эканлигини айтадилар. Шу шарҳга биноан таҳорат сўзининг таржимасида тўғридан тўғри мақсадга кўчиб қўлни ювиш деб таржима қилинди. Яна у зот айтадиларки: Уламолар шу ҳадисларга таяниб овқатдан олдин ва кейин қўл ювишни мустаҳаб дейдилар. Али қори ҳадисдан яна бир ажойиб истинбод қилиб айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Салмон розияллоҳу анҳунинг саволларига овқатнинг баракаси овқатдан олдин ҳам кейин ҳам қўл ювишда деган сўзларида, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари аввалги шариатларни мансух қилади чунки у шариатлар бузилган, уларга ўзгаришлар киритилган, шунинг учун аҳли китобларнинг қўлларидаги китоблардан таълим олиш мумкин эмасдир. - деган маънолар бор.*

(28) باب ما جاء في قول رسول الله قبل الطعام وبعد ما يفرغ منه وفيه(7) أحاديث

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Таомдан аввал ва кейин айтадиган дуолари ҳақидаги боб. Бу бобда имом Термизий еттита ҳадис ривоят қиладилар.

188 – حدثنا قتيبة بن سعيد حدثنا ابن لهيعة عن يزيد بن أبي حبيب عن راشد بن جندل اليافعي عن حبيب بن أوس عن أبي أيوب الأنصاري قال كنا عند رسول الله يوما فقرب إليه طعام فلم أر طعاما كان أعظم بركة منه أول ما أكلنا ولا أقل بركة في آخره قلنا يا رسول الله كيف هذا قال إنا ذكرنا اسم الله حين أكلنا ثم قعد من أكل ولم يسم الله تعالى فأكل معه الشيطان

Абу Аюб ал-Ансорийдан ривоят қилинади айтадиларки: Биз бир куни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик, у зотга таом келтирилди. Мен, таомни ейишни бошлаганимизда бениҳоят баракали бўлиб, охирида эса ўта баракасиз бўлган таомни кўрмаганман. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан бунинг сирини сўраган эдик, у зот: "Биз овқатлана бошлаганимизда

Оллоҳнинг исмини ёд этдик, кейин бир киши келиб Оллоҳнинг номини зикр қилмай, овқатлана бошлаган эди, шайтон ҳам у билан қўшилиб еди" – дедилар.

Изоҳ: *Демак бебисмиллоҳ ейилган овқатда барака бўлмас экан. Чунки бу овқатга шайтон ҳам шерик бўлиб, баракани йўқолишига сабаб бўлар экан. Шунингдек ҳамма ишларда Оллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб бошлаш даркор.*

189 – حدثنا يحي بن موسى ثنا أبو داود ثنا هشام الدستوائي عن بديل العقيلي عن عبدالله بن عبيد بن عمير عن أم كلثوم عن عائشة قالت قال رسول الله إذا أكل أحدكم فنسي أن يذكر اسم الله تعالى على طعامه فليقل بسم الله أوله وآخره

Умму Кулсум Оиша онамиздан ривоят қилиб айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Агар бирортангизни овқатланган вақтда Оллоҳнинг исмини ёд этиш хотирасидан кўтарилиб қолган бўлса, дарҳол бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахираҳу десин.

Изоҳ: *Яъни аввалида ҳам охирида ҳам оллоҳнинг исми билан. (бошлайман) бошқа ҳадисларда хабар қилинишича манашу дуони овқатнинг ярмида ёки охирида ўқилса шайтон еган таомни қусиб, қорнидан чиқариб юбораркан.*

190 – حدثنا عبدالله بن الصباح الهاشمي البصري ثنا عبدالأعلى عن معمر عن هشام بن عروة عن أبيه عن عمر بن أبي سلمة أنه دخل على رسول الله وعنده طعام فقال ادن يا بني فسم الله تعالى وكل بيمينك وكل مما يليك

Умар ибн аби Саламадан ривоят қилинади: У киши Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирган эканлар. Шунда у зотнинг олдиларида таом бор экан. Пайғамбар алайҳиссалом, у зотни таомга таклиф қилиб, эй! ўғилчам таомга яқинроқ кел! Оллоҳнинг исмини айтиб, ўнг қўлинг билан егин ва ўзингни олдингдан ол. –дедилар.

Изоҳ: *Умар ибн Аби Саламанинг отаси Абу Салама вафот қилгандан кейин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам унинг онаси Умму Саламани никоҳларига олган эдилар. Шунинг учун унинг ўғлини таомга таклиф этганларида, эй! ўғилчам деб чақирдилар. Сўнг унга таомланиш одобларидан баъзиларини таълим бердилар. Ва у одоблар киши овқатланишдан аввал Оллоҳнинг исмини зикр қилиши, агар кўпчилик билан таомланаётган бўлса, овқатни ўзининг олдидан олиб емоқлиги лозимлигидир. Бу ҳадисдаги Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал хулқларига эътиборларимизни яна бир бор қаратайлик! У зот завжаи мутоҳҳараларининг аввалги турмуш ўртоғидан кўрган фарзандини ўғилчам - деб эркалаб, сўнг унга овқатланиш одобларини таълим бердилар. У зотдан бошқа ҳадисда ривоят қилинишича: Кимики бир етимни ўз*

кафолатига олса у жаннатда мен билан бирга бўлади –деб одамларга кўрсатгич бармоқ билан ўрта бармоқларини жуфтлаб ишора қилган эдилар. Яъни уни Пайғамбар алайҳиссаломга жуда яқин бўлишига киноя қилиб, ёнма-ён жойлашган бармоқларини бир-бирига жуфтлаб кўрсатганлар. Пайғамбар алайҳиссалом манабундай хайрли амалларга ҳаммадан ўзиб, уммatлари учун намуна бўлиб берганликларига бу ҳадис яққол ҳужжатдир.

191 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا أبو أحمد الزبيري ثنا سفيان الثوري عن أبي هاشم عن إسماع يل بن رياح عن أبيه رياح بن عبيدة عن أبي سعيد الخدري قال كان رسول الله إذا فرغ من طعامه قال الحمد لله الذي أطعمنا وسقانا وجعلنا من المسلمين

Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилинади айтадиларки: Агар Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам таомланиб бўлсалар, бизни тўйдириб суғорган ва бизларни мусулмонлардан қилган Оллоҳга ҳамдлар бўлсин! -дер эдилар.

Изоҳ: *Мусулмон киши, уни гўзал ахлоқларга етакчиси бўлган Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга иқтидо қилиб, овқатдан аввал,кейин ва овқат ўртасида ўқиладиган манабу дуоларни доимо зикр қилиши керак.*

192 - حدثنا محمد بن بشار ثنا يحي بن سعيد ثنا ثور بن يزيد ثنا خالد بن معدان عن أبي أمامة قال كان رسول الله إذا رفعت المائدة من بين يديه يقول الحمد لله حمدا كثيرا طيبا مباركا فيه غير مودع ولا مستغني عنه ربنا

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам агар дастурхон йиғиштириладиган бўлса Оллоҳга чексиз ва муборак ҳамдлар бўлсинки! Раббимиз тарк қилинмас ва ундан беҳожат бўлинмас. -дер эдилар.

Изоҳ: *Мулла Али қори айтадиларки: Муборак ҳамднинг маъноси шуки: Битмас ва тугалмас мадҳлардир, яъни Оллоҳ таолога бениҳоя ҳамд-санолар бўлсин!*

193 - حدثنا أبو بكر محمد بن أبان ثنا وكيع عن هشام الدستوائي عن بديل بن ميسرة العقيلي عن عبدالله بن عبيد بن عمير عن أم كلثوم عن عائشة رضي الله عنها قالت كان النبي يأكل الطعام في ستة من أصحابه فجاء أعرابي فأكله بلقمتين فقال رسول الله لو سمى لكفاكم

Оиша онамиздан ривоят қилинишича айтадиларки: Пайғамбар алайҳиссалом саҳобалардан олтита киши билан овқатланиб турган эдилар, бир аъробий (чўлда яшайдиган киши) келиб овқатдан икки луқма олди, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи

васаллам: "Агар бу Оллоҳнинг исмини зикр қилганда эди, овқат ҳаммаларингга етар эди"- дедилар.

194 – حدثنا هناد ومحمود بن غيلان قالا حدثنا أبو أسامة عن زكريا بن أبي زائدة عن سعيد بن أبي بردة عن أنس بن مالك قال قال رسول الله إن الله ليرضى عن العبد أن يأكل الأكلة فيحمده عليها أو يشرب الشربة فيحمده عليه

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: "Банда овқат еб Оллоҳга ҳамд айтса ёки сув ичиб Оллоҳга ҳамд айтадиган бўлса у бандадан Оллоҳ рози бўлсин".

Изоҳ: *Уламолар айтадиларки: Банда овқатдан кейин ҳамд айтиши, неъмат берган зотнинг неъматига шукр қилиш ва неъматни янада зиёда бўлишини тилашлигидир. Чунки Оллоҳ таоло агар шукр қилсанглар неъматларимни янада зиёда қиламан деб марҳамат қилган.*

29) باب ما جاء في قدح رسول الله وفيه حديثان

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадаҳларини баёни ҳақидаги боб. Бунда Имом Термизий иккита ҳадис ривоят қиладилар.

195 - حدثنا الحسين بن الأسود البغدادي ثنا عمرو بن محمد ثنا عيسى بن طهمان عن ثابت قال أخرج إلينا أنس بن مالك قدح خشب غليظا مضببا بحديد فقال يا ثابت هذا قدح رسول الله

Собит раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади айтадиларки: Бизга Анас ибн Молик темир билан қадоқланган, қаттиқ ёғочдан ясалган, қадаҳ олиб чиқиб, эй Собит! мана бу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадаҳлари эди. –дедилар.

196 - حدثنا عبدالله بن عبدالرحمن ثنا عمرو بن عاصم ثنا حماد بن سلمة ثنا حميد وثابت عن أنس قال لقد سقيت رسول الله بهذا القدح الشراب كله الماء والنبيذ والعسل واللبن

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадилар: Мен манашу қадаҳда Росулулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга шаробларни ҳар турини: Сув, набиз, асал, айронни қуйиб берганман.

Изоҳ: *Бу сўзларидан Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг камтарона ҳаёт кечирганликлари маълум бўлади. Набизнинг маъноси эса набаза феълидан олинган бўлиб ташлади деганидир. Араблар сувга хурмо ёки майизни ташлаб қўйиб бир кундан кейин уни олиб ичишар эди, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам кечқурун хурмони сувга ташлаб қўйишарди, эртасига эрталаб ичар эдилар.*

وصلى الله وسلم على نبينا محمد و على آله و صحبه أجمعين.